

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссия йиғилиш
Б А Ё Н И

2018 йил «14» март

4 - сон

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Б.Сагдуллаев - Агентлик бош директори ўринбосари, Одоб-ахлоқ комиссияси раиси

Қатнашганлар: А.Ахмедова - Агентлик Касаба уюшмаси кўмитаси раиси
Г.Кенжаахунова - Кадрлар бўйича инспектор
А.Юлдашов - Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Агентлик БТ етакчиси
Г.Юсупханова - Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори (котиб)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссиясининг Низом лойиҳаси тасдиқлаш тўғрисида.

(Сагдуллаев, Кенжаахунова, Ахмедова, Юлдашов, Юсупханова Сагдуллаев)

Кун тартибидаги дастлабки масала бўйича Агентлик бош директори ўринбосари, Одоб-ахлоқ комиссияси раиси Б.Сагдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссиясининг Низом лойиҳасини комиссия аъзолари томонидан берилган таклиф ва эътирозларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги ва ўз навбатида ушбу Низом лоҳасини тасдиқлаш лозимлигини айтиб ўтди.

Ўз навбатида кадрлар бўйича инспектор Г.Кенжаахунова Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссиясининг Низом лойиҳасининг 4 бандига Комиссия текширувига асосан Агентлик тасарруфидаги корхона ходимлари томонидан одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилмаслик ҳолатлари аниқланганда, Комиссиянинг хулосаси асосида Иш берувчи қонунбузулиш ҳолатларини содир этган ходимларга нисбатан амалдаги **меҳнат қонунчилиги нормалари** асосида тегишли чоралар кўриши мумкин. Юқоридаги каби ҳолатлар аниқланган тақдирда Комиссия тақдимнома киритиш орқали бу ҳақида Иш берувчини маълум қилиши ҳақида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори Г. Юсупханова Низом лойиҳасида Комиссиянинг асосий вазифалари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги бобнинг 3 бандида Агентликнинг барча таркибий бўлинмаларидан заруриятга кўра комиссия ваколатига таалукли бўлган хужжатларни сўраш ва олиш ва Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ва мониторингни амалга ошириш ҳақидаги бандларни киритиш ҳақида таъкидлади.

Шу билан бирга, Комиссия иш режасини ишлаб чиқиш, унинг ижросини назорат қилиш, шунингдек Комиссиянинг кундалик фаолиятини тасдиқланган режага мувофиқ ташкил этиш борасида юқоридаги Низом лойиҳасини тўлдириш лозимлигини айтиб ўтди.

Ўз навбатида Комиссия аъзоси А.Юлдашов Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссиясининг Низом лойиҳасига берилган таклифларни маъқуллади ва эътирози йўқлигини айтиб ўтди.

Комиссия раиси Б.Сагдуллаев мазкур комиссия иш фаолиятида самарадорликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, иш жамоасида ўзаро ҳурмат ва белгиланган одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилишликни таъминлаш мақсадида комиссия йиғилишидаги кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини билдирди.

Кўрилган масала бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар муҳокамаси асосида **қарор қилинди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссиясининг Низом лойиҳаси комиссия аъзолари томонидан берилган таклиф ва эътирозларни инobatга олган ҳолда тасдиқлансин. (масъул Юсупханова, Юлдашов).

2. Мазкур йиғилиш қарори ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия раиси

Б. Сагдуллаев

Котиб

Г. Юсупханова